

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**НИШАНОВА ЮЛДУЗ ХАТАМОВНА**

**СУТ БЕЗ САРАТОНИ НУР ТАШХИСИДА МАГНИТ-РЕЗОНАНС  
ТОМОГРАФИЯНИНГ АХАМИЯТИ**

**14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Нишанова Юлдуз Хатамовна**

Сут беги саратони нур ташхисида магнит-резонанс  
томографиянинг ахамияти..... 3

**Нишанова Юлдуз Хатамовна**

Роль магнитно-резонансной томографии в  
лучевой диагностике рака молочной железы..... 27

**Nishanova Yulduz Khatamovna**

The role of MR- tomography imaging  
in breast cancer..... 52

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

**НИШАНОВА ЮЛДУЗ ХАТАМОВНА**

**СУТ БЕЗ САРАТОНИ НУР ТАШХИСИДА МАГНИТ-РЕЗОНАНС  
ТОМОГРАФИЯНИНГ АХАМИЯТИ**

**14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/Tib680 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ходжибеков Марат Худайкулович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Фазилов Акрам Акмалович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Алимходжаева Лола Телмановна**  
тиббиёт фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Россия Федерацияси соғлиқни сақлаш вазирлиги “Н.Н.Блохин номидаги онкология Миллий тиббий тадқиқот маркази” ФДБМ (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» июль соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (8 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Фаробий кўчаси, 383 уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.)

Диссертация автореферати 2021 йил «19» июль куни тарқатилди.  
(2021 йил «19» июльдаги 8 рақамли реестр баённомаси).

**М.Н. Тилляшайхов**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А. Адилходжаев**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**А.Н. Абдихакимов**

Илмий даражалар берувчи Бир марталик Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)**

**Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Сут беzi саратони (СБС) энг кўп учровчи хавфли ўсимта ҳисобланади ва аёллар орасида хавфли ўсимталаридан ўлимнинг асосий сабабларидан бири. Жаҳон глобал статистика онкологик базаси GLOBOCAN нинг маълумотлари бўйича «...2020 йилда сут беzi саратонининг 2,261 (11,7%) миллион янги ҳолатлар аниқланган. Бутун дунёда сут беzi саратони биринчи ўринда туради ва умумий онкологик касалланиш тизимида 26% дан юқорини ташкил этиб, бунда барқарор ўсиш кузатилади...»<sup>1</sup>. Асосий эпидемиологик тадқиқотлар СБС клиникаси пайдо бўлгунча давридаги босқичда аниқлаш мумкинлигини, бунда сут беzi саратони ташхисини ўз вақтида қўйилганлиги ёки хавф омилларини тўхтатиш йўли билан СБС олдини олиш имконини ва маҳаллий даволашнинг юқори самарадорлигини англатади. СБС нинг оғирлик даражаси жараённинг босқичига боғлиқ, шу сабабли сут беzi саратонини эрта босқичларда аниқлаш ҳамда молекуляр-биологик турини фарқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, даволаш тактикасини белгилаб беради. Шундай қилиб, сут беzi саратонининг клиник-морфологик, молекуляр-гнетик хусусиятларини МР-маммографияда ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотлар қисман мавжуд бўлсада, лекин сут СБС ни эрта босқичларда аниқлаш ва олдини олиш каби муаммолар ўз ечимини топмаган. Афсуски, ушбу масалалар бўйича адабиётлар жуда кам ва санокли илмий тадқиқотлар ҳамда кузатувлар мавжуд.

Жаҳонда сут беzi саратони нур ташхисида магнит-резонанс маммографиянинг (МР-маммография) динамик контраст кучайтириш ва DWI режимларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада сут беzi саратони визуализацион хусусиятларини рентгеномаммография (РМГ), ультратовуш текшируви (УТТ) ва МР-маммография маълумотлари бўйича ўрганиш ва СБС қиёсий диагностикасида усулларнинг самарадорлигини асослашдан иборат. Сут беzi саратони морфологик кўрсаткичларини идентификациялаш ва молекуляр-биологик хусусиятларини МР-маммографиянинг анатомик ва функционал тасвирларига боғлиқлигини баҳолаш ҳамда сут беzi ўсимталари билан аёлларни текширув тактикасида магнит-резонанс маммографиянинг ўрнини ишлаб чиқишга қаратилган илмий изланишларни амалга ошириш алоҳида аҳамиятга касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида хавфли ўсма касалликларини камайитиришга «...аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг

---

<sup>1</sup> Hyuna Sung, Jacques Ferlay, MS, Rebecca L et al. Global cancer statistics 2020: GLOBOCAN Estimates of Incidence and Mortality Worldwide for 36 Cancers in 185 Countries // Int J Cancer – 2021. – Т. 71.- №. 6. - P. 209–249.

юқори технологик усулларни жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»<sup>2</sup> каби вазифалари белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда аёллар орасида хавфли ўсма касалликларини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ҳамда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий диагностика усулларини қўллашни такомиллаштиришнинг чуқур таҳлили қилишга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мавжуд адабиёт манбаларини таҳлил қилганда, УТТ дан фарқли равишда МР-маммография текшируви комплекс, таҳлил қилиниши осон, операторга боғлиқ бўлмаган усул бўлиб, рентгеномаммография усули каби сут без тўқимаси зичлигига боғлиқ эмас (Меладзе Н.В. 2018). Сут без МР-маммография текшируви сут безлари ўсмалари ташхисотида юқори самарадорликка эга (Orlando A. 2020). Бугунги кунда сут безларини МР-маммография динамик контраст кучайтириш (ДКК) текширув усули клиник амалиётда ривожланаётган усул бўлиб, нафақат сут бези саратонини, балки МР-маммография тасвири билан ўсимтанинг молекуляр-биологик тавсифи орасидаги боғлиқ эканлиги аниқланган (Wei Li. 2019). Бунда сут бези саратонининг уч маротоба манфий молекуляр-биологик тури МР-маммография T2 режимда ўсимта некрози сабабли МР- сигнал юқори интенсивлиги аниқланган. МР-маммография функционал кўрсаткичлари орқали ўсимтанинг хужайра дифференциация прогнозини аниқлаш учун ҳам қўлланилади (Maged Ali Algazzar 2020). Ундан ташқари, МР-маммография текширувини махсус автоматлаштирилган тизим билан қўлланилиши нафақат хавфли ўсимтанинг мавжудлигини аниқлашга, жадвал ёрдамида ўсимтанинг

---

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

бўлакча ёки канал тури ҳамда ўсимтанинг эстроген (ЭР) ва прогестерон (ПР) рецепторларига сезгирлик мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлашга имкон беради (Vaugh SA. 2016). Шу мунособат билан МР-маммография анатомик ва функционал мезонлари орқали СБС нинг гетерогенлик хусусиятларини ноинвазив башорат қилиш, юқори аниқликда прогностик воситаларини яратиш замонавий диагностиканинг истиқболли йўналишлари ҳисобланади.

Ўзбекистонда ушбу йўналишда бир қанча илмий изланишлар амалга оширилган, жумладан сут бези саратонида ультратовуш текшируви аҳамияти, молекуляр-биологик хусусиятларнинг ёшга боғлиқлик хусусиятлари ва даволаш чора тадбирларига (Рўзиев О.Б., (2017), Закирова Л.Т., (2019), бағишланган илмий тадқиқот ишлари сут бези саратонини эрта босқичларда аниқлаш ва даволаш тактикасини тўғри белгилаш масалалари ўз ечимларини топган, лекин бир қатор ташхисот саволлари очиклигича қолган.

СБС диагностика ва даволаш тактикаси аниқ бўлишига қарамай, СБС учраш кўрсаткичлари юқорилигича қолмоқда. Баъзи беморларда рентгеномаммография ёки УТТ да аниқланган патологик ўзгаришларни сўзсиз баҳолаш қийин. Бу ҳолатларда биопсияни ўтказиш зарурлиги ёки одатдаги динамик кузатув лозимлигини айтиш учун сут безлари МР-маммография ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Юқорида қайд этилганлар ушбу муаммони самарали диагностика усулини такомиллаштириш зарурлигини тақазо этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Сут бези саратонида нур ташхис усуллари МРТ текширувининг аҳамияти» мавзусидаги грант лойихаси доирасида бажарилган (2018-2020) йй.

**Тадқиқотнинг мақсади** МР-маммографияни қўллаш билан сут бези саратони мультимодал нур ташхисотини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

рентгеномаммография, УТТ ва МР-маммографияда сут бези саратонини визуализацион хусусиятларини баҳолаш, уларнинг самарадорлигини сут бези саратони қиёсий ташхисотида аҳамиятини ўрганиш;

сут бези саратонида хужайра дифференциация даражаси ва МР-маммографиянинг анатомик ҳамда функционал кўрсаткичларига ўзаро таъсирини баҳолаш;

сут бези саратони молекуляр-биологик гетерогенлигининг МР-маммография анатомик ва функционал кўрсаткичларига ўзаро боғлиқлигини баҳолаш;

сут бези ўсимталари бўлган беморларда магнит-резонанс маммография текширувига кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва нур ташхис алгоритмининг такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказида даврий назоратда бўлган ва даволанган сут бези ўсимталари билан 100 нафар беморлар олинган

(2017-2019 йй.).

**Тадқиқот предмети** сифатида рентгеномаммография, ультратовуш текшируви ва магнит-резонанс маммография, морфология ҳамда иммуногистокимё биомаркерлари маълумотлари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда рентгенологик, ультратовуш, магнит-резонанс маммографик ва морфологик, молекуляр-биологик ҳамда статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

сут беzi саратонини ташхисотида МР-маммография контрастлашдан кейинги босқичда энг хавфли кўрсаткичлар сифатида гетероген ва халқасимон МР-сигнал кўчайиши, нотекис/ноаниқ ёки спикуласимон қиррали ва номутоносиб шаклланиши исботланган.

сут беzi саратонинг люминал В Her2/neu мусбат ва Her2/neu гиперэкспрессиясида МР- маммографияда II тур контрастлаш тартибининг мослиги, уч маротоба манфий ва А люминалда эса III тур контрастлашнинг натижалари исботланган.

юқори дифференциациялашган сут беzi саратонида МР-маммографияда ҳосиланинг шакли тўғри ва текис қирралари II тур контрастлашга боғлиқлиги, паст дифференциациялашган сут беzi саратонида III тур контрастлаш ҳосиланинг нотўғри шакли ва спикуласимон қирраларига мос эканлиги исботланган.

илк маротоба ёш гуруҳига боғлиқ сут беzi саратонига гумон ҳолатларда 40 ёшгача ультратовуш ташхисоти ва 40 ёшдан юқори беморларда рентгеномаммография, МР-маммография биопсия/динамик кузатувда ўтказиш самарадорлиги исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий аҳамияти** қўйидагилардан иборат:

сут беzi саратонига клиник шубҳа билан бўлган беморларни текширишда рентгено маммография ва УТТ га қўшимча сут безлари МРТ текширувига кўрсатмалар ишлаб чиқилган;

динамик контраст кучайтириш билан сут безлари МРТ маълумотлари бўйича касалликнинг прогностик мезонларини ноинвазив баҳолаш йули билан сут безлари саратони ва хавфсиз ўсимталари дифференциацияси имкониятлари ўрнатилган;

сут беzi саратони ташхисоти учун стандарт нур ташхис усуллари билан биргаликда МР-маммография қўлланиши алгоритми тактикаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи аналитик, рентгенологик, ультратовуш, магнит-резонанс маммографик, патоморфологик, иммуногистокимёвий ва статистик тадқиқот усуллари асосида сут беzi саратони нур ташхиси ва молекуляр-биологик хусусиятларини аниқлашда магнит-резонанс маммографиянинг аҳамияти халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ва олинган



натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олинган натижалар ва хулосалар сут беги саратони бирламчи ташхисотида МР-маммография ДКК қўлланиши орқали диагностика ва онкологиянинг замонавий ютуқларига сезиларли ҳисса қўшиши, ушбу усул СБС нинг молекуляр-биологик хусусиятларини олдиндан прогностик, ноинвазив йўл билан аниқланиши, МР-маммографиянинг анатомик ва функционал мезонлари шакллантирилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сут беги саратони диагностика соҳасида МР-маммография текшируви алгоритми касалликнинг ривожланишини ўз вақтида аниқлаш, ҳамда сут беги саратонининг даволаш босқичларинида визуализацион МР-маммография самарали режалашга имкон берганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Сут беги саратони нур ташхисотида магнит-резонанс маммографиянинг аҳамиятини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

сут беги саратонини аниқлаш ва молекуляр-биологик турини башоратлашнинг замонавий жихатлари қўллаш натижалар асосида «Сут беги саратони мультимодал нур ташхисоти» услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 27 январдаги 8н-р/20-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома маҳаллий тарқалган сут беги саратони ташхисоти самарадорлигини ошириш ва тезлаштиришга, асоратлар сонини камайтиришга имкон берган;

сут беги саратони нур ташхисотида магнит-резонанс маммографиянинг аҳамиятини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий маркази ҳамда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий марказининг Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоят филиалларида клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 14 февралдаги 8н-д/23-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши сут беги саратони комплекс нур ташхисотида магнит-резонанс маммография динамик контраст кучайтириш билан қўлланиши диагностикада иқтисодий сарфларни ва беморларда нурланиш юкларини камайтириш ҳамда беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш,

бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва унга бўлган талаб асосланган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган. Ҳамда тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Сут беzi саратони мультимодал нур ташхисоти ва муаммосининг замонавий талқини**» деб номланган биринчи бобида сут беzi саратони мультимодал нур ташхисотини ўрганишга бағишланган адабиёт манбалари таҳлили ўтказилган. Ҳамда касаллик этиологияси, патогенези тўлиқ ёритилган ва сут беzi саратонида нур ташхисоти усуллари ва иммуногистокимёвий текширувлар таҳлил қилинган. Ушбу бобда сут безлари ҳажмли ҳосилалари ташхисоти ва қиёсий ташхисотида нур тадқиқот усуллари, молекуляр ташхисот, лаборатор усуллари ҳамда СБС патоморфологик ташхисоти имкониятлари тавсифланган.

Диссертациянинг «**Сут беzi саратони билан беморлар клиник материал ва текшириш усуллари умумий тавсифи**» деб номланган иккинчи бобида текширилган беморлар умумий тавсифи бўйича маълумотлар ҳамда қўлланилган тадқиқот усуллари бўйича маълумотлар келтирилган. Олдимизга қўйилган вазифаларни ечиш учун СБС га шубҳа қилинган 2017-2020 йй. РИОваРИАТМ да даволанган 100 нафар аёл клиник ва инструментал текшируви ўтказилди. Беморлар ёши 26-75 (СБС, ўртача ёши - 49,0±2 йил) ёш. Комплекс текширув натижалари бўйича 30 нафар аёлда сут безлари хавфсиз ўсмалари, 70 нафарида сут беzi саратони ташхисланган. Хавфсиз ўсимталар кўпинча 30 дан 39 ёшгача (ўртача ёши 36,0±1,5) ёш гуруҳида учраган. Улар орасида 22 бемор сут беzi фиброаденомаси, 5 нафари локал фиброз, 2 нафари фибролипома ва 1 нафари филоид ўсма билан.

Сут беzi саратони билан кўпгина 39 (55,7%) аёллар сут беziда қаттиқлашига шикоят қилган. Сўрғич тортилиши 2 (2,9%) беморда кузатилган.

Аёллар текшируви комплекс бўлиб, клиник кўрик ва СБ визуализацияси нур ташхис усулларида фойдаланиб ҳамда биопсия натижаларининг патогистологик ва иммуногистокимёвий текширувини ўз ичига олган. Ҳамда узоқ метастазларни истисно қилиш учун диагностик мақсадда УТТ қорин бўшлиғи, қорин орти парда, кичик тос бўшлиғи ва кўкрақ қафаси рентгенологик текширувлари ўтказилган.

Ўнг сут беzi саратони балан зарарланиш 37 (52,9%) ҳолатда, чап – 33 (47,1%)да кузатилган. Саратон кўпроқ сут безининг юқори ташқи

квадрантларида жойлашган. Ўтказилган клиник ва морфологик текширувлар натижасида барча беморларда СБС нинг гистологик тури ва унинг тарқалиш даражаси TNM классификация бўйича баҳолаш билан ўрнатилган (1-жадв. га қаранг).

1-жадвал маълумотлари таҳлили кўрсатишича, беморларнинг энг юқори сони босқичлар бўйича IIb – 44,3%, IIIa – 31,4% ва IIa – 17,1% ни ташкил қилган, I босқичда беморлар сони энг кам – 4,3%.

Сут беги саратонинг гистологик турлари бўйича қуйидагича тақсимланган: энг кўп инвазив-канал саратони – 85,7%; инвазив-бўлакчали саратон – 8,5%; бошқа шакллари мос равишда 2,9% ва 2,9%.

#### 1-жадвал

#### СБС беморлари босқичлар ва TNM классификация бўйича тарқалиши

Босқичлар	TNM	Беморлар сони, n=70 (%)	
		абс	%
I босқич	T <sub>1</sub> N <sub>0</sub> M <sub>0</sub>	3	4,3
IIa босқич	T <sub>1</sub> N <sub>1</sub> M <sub>0</sub>	4	5,7
	T <sub>2</sub> N <sub>0</sub> M <sub>0</sub>	8	11,4
IIb босқич	T <sub>2</sub> N <sub>1</sub> M <sub>0</sub>	31	44,3
IIIa босқич	T <sub>2</sub> N <sub>2</sub> M <sub>0</sub>	9	12,8
	T <sub>3</sub> N <sub>1</sub> M <sub>0</sub>	13	18,6
IIIb босқич	T <sub>4</sub> N <sub>1</sub> M <sub>0</sub>	2	2,9
Жаъми		70	100,0%

Сут беги саратони хужайраларининг дифференциация даражасини G градацияси белгилайди, хужайралар дифференциация даражаси қанча юқори бўлса, саратон шунча кам тажоввузкор ва прогноз яхши. СБС беморларда саратон хужайралари дифференциация даражаси бўйича энг кўп қисмини G<sub>2</sub>-55,7% ва G<sub>3</sub>-31,4% (ўрта ва дифференцирлашмаган), энг кам G<sub>1</sub>-12,8% (юқори дифференцирланган).

Сут безлари рентгенмаммографияси. Рентген маммография (РМГ) тўғридан-тўғри рақамли, текис панелли детекторли пиксел ўлчамлари 50 мм бўлган рақамли маммограф Fujifilm Amulet S (Япония, 2015) да ўтказилди. Детекторнинг ўлчамлари 24x30 см. Олиган тасвир Onis дастурий таъминоти билан шифокор станциясига автомат равишда ўтказилган. Сут безини адекват босилиши маммограммаларда тасвирлар аниқлигига эришиш учун имконият яратди. Тасвирлар икки проекцияда амалга оширилди: тўғри ва қийшиқ (трубкани 45° га эгилиши билан), бу патологик жараённи аниқ локализацияси ва сут беги архитектураси бузилиши ва ўчоқлардан тугунли ҳосилаларни дифференцирлашга имкон берган. РМГ да нурланиш юкласи сут беги икки проекциясида 15 мЗв ни ташкил қилган. Рентген маммографияси 40 ёшгача аёлларда қатъий кўрсатмалар бўйича ультратовуш текширувидан кейин амалга оширилган. Бизнинг тадқиқотларимизда 40 ёшгача бўлган беморларда (15 ҳолатда; 15%) УТТ натижасида шубҳали ўсимталар мавжудлигида УТТ дан кейин рентгенмаммография буюрилган.

**Сут безлари ультратовуш тадқиқоти.** Сут безлари УТТ ни Toshiba Aplio

500 (2017) аппаратида ЦДК функция билан (хосиланинг кон оқими тезлиги ўзгариши билан) ва 7,5 МГц частота диапазонида ишловчи чизиқли датчик ёрдамида реал вақт масштабдаги эластография (СЭГ) ёрдамида ўтказилди. Тадқиқотни беморни белига ётган ҳолда, кўллари танаси атрофида туширилган ва боши орқасида кўллари юқорига кўтарилган ҳолатда ўтказилди.

**Динамик контраст кучайтириш билан сут безлари МРТ-текшируви.** МР- маммография PHILIPS Ingenia 3.0 Tesla аппаратида амалга оширилди. Визуализация баённомалари T1 ва T2 режимларда, аксиал ёки сагиттал, уч томонлама (3D) ва босилган ёғ билан контраст кучайтириш билан динамик тасвирдан иборат бўлган. Тадқиқот қоринга ётган ҳолатда танага кўллари яқинлаштириб махсус юза катушкадан фойдаланиб амалга оширилди. Тадқиқот давомийлиги 30 дан 50 дақиқача. Сут безлари бирламчи баҳоси учун ёғдан МР сигнални бостириш билан T1 ва T2 режимларда олиш билан импульс кетма-кетлигидан фойдаланиб тасвир олинди, чунки сут безларида намоён бўлган интенсив МР сигнали айниқса, катта бўлмаган патологик ўзгаришларни дифференцирлашга имкон бермайди. Кейинчалик, автоматик ижектор ёрдамида вена ичига болус парамагнит модда (Магнелик) тана вазнига нисбатан 0,1 ммоль/кг ҳисобида 2 мл/с тезликда, кейинчалик 30 мл физиологик эритма юбориш билан киритилади. Контраст ўсимтада тўпланиши ва чиқарилиши характерига кўра ҳосила тахминий табиати ҳақида фикр юритиш мумкин. Шу тақдирда олинган тасвирлар асосида сут беzi тўқималари қизиқтирган ўчоқларида вақтга боғлиқ сигнал интенсивлиги ўзгариши графиги тузилди. Сут беzi умумий ҳажмининг кўринишини таъминлаш мақсадида томограммалар сони индивидуал танланди.

Кўлланилган усулларнинг диагностик самарадорлигини баҳолаш учун сезувчанлик ва махсуслик кўрсаткичларидан фойдаланилди; ҳар бир алоҳида натижа ҳақиқий-мусбат, ёлғон мусбат, ҳақиқий манфий ва ёлғон манфий деб таснифланди. Клиник текширув натижалари қайта ишлаш Microsoft Exell амалий офис дастурлари ёрдамида ўрганилган кўрсаткичнинг ўртача арифметикаси (M), унинг квадрант қонунийлиги (m), ишончлилик кўрсаткичлари (p) ва Стьюдент тести ҳисоблаб чиқилган.  $P < 0.05$  ишончлилик даражаси статистик жихатдан муҳим ўзгаришлар сифатида қабул қилинган.

Диссертациянинг «Сут безлари хавфсиз ва хавфли ўсмалари рентгенологик ва эхографик белгилари» учинчи бобида сут беzi верификацияланган хавфли ўсма (n=70) ва хавфсиз ўсмалари (n=30) ташхиси билан беморлар маммографик (РМГ ва УТТ) текширувлари маълумотлари таҳлил қилинди. Сут беzi ўсмасининг энг хос визуализацион белгиларини тавсифлаш учун маммографик текширувлари натижалари таҳлил қилинди. Сут беzi ўсмалари энг хос визуализацион белгилари маммография ва ҳар бир усулнинг диагностик самарадорлигини аниқлаш учун маммографик текширувлар натижалари таҳлил қилинган.

СБС да ўсимта шакли нотўғри, ноаник/нотўғри ва спикуласимон қирра, ва юқори рентген зичлик белгилар бўлган. Маммограммаларда 70 бемордан 61 (87,1%) да, қолган 9 беморда ёки 12,9% ассиметрик зичлик сифатида (12,9%) сут беziда СБС мавжудлиги билан тавсифланди. Барча маммография ёлғон мусбат

натижалари сут беши хавфсиз ўсмалари билан СБС га патогномик рентгенологик симптомлар мавжудлиги билан боғлиқ бўлиб, ҳосиланинг нотўғри шакли, ноаниқлиги, қирраларининг нотекислиги билан боғлиқ бўлган. Бизнинг тадқиқотларимизда сут беши саратони сифатида талқин этилган бу рентген белгилар 2 ҳолатда локал фиброз, 1 кузатувда фибролипома ва 3 ҳолатда сут безлари фиброаденомаси ташкил этган. Бир кузатувда сут беши саратони сифатида маммограммада катта ўлчамли, юқори зичлиги ва нотекис қирралари билан филоид ўсма хато қабул қилинган. Сут беши саратони билан 9 аёлда маммографик тасвирларда ёлгон манфий натижалар таҳлил қилинган. Ўсма тугунларининг тўғри шакл, текис ва аниқ қирралари, ўрта интенсивликдаги зичлик билан боғлиқ бўлган, қўшимча СБС клиник белгилари (ўсма усти тери ости ёғ тўқимасининг деформацияси ва сўрғич тортилиши) билан бирга кечмаган ва фиброаденома сифатида баҳоланган. Морфология бу ҳолатларда сут беши саратони аниқланган.

Шундай қилиб, рентгеномаммография 61 ҳолатда ҳақиқий мусбат (ХМ), 23 ҳолатда чин манфий, 7 – ёлгон мусбат ва 9 – ёлгон манфий натижалар. Маммография сезувчанлиги СБС ва хавфсиз ўсмалар дифференциациясида мос равишда 87,1%, махсуслик – 76,7% ва диагностик аниқлиги – 84,0%.

70 нафар СБС беморда ўтказилган текширувлар шуни кўрсатадики, бунда ультратовуш ўсма белгилари қўйидагиларни ташкил қилган, ўсма нотўғри шаклли, нотўғри ва спикуласимон қиррали, ЦДК да гиповаскуляр ёки гиперваскуляр қон оқимини кўрсатган. Бизнинг тадқиқотимиздаги 100 кузатувдан сонографик ва гистологик маълумотларнинг келишмаслиги 12 та беморда кузатилди: улардан 5 беморда маълумотлар эхографик ёлгон мусбат ва 7- ёлгон манфий бўлди.

Барча ёлгон мусбат эхография натижалари кистоз компонент билан ўсмалар ёки солид тугунлар, айниқса, катта бўлмаган ўлчамдаги аралаш тугунлар қиёсий ташхисот қийинчиликлари билан боғлиқ бўлган. Дегенератив ўзгаришлар фиброаденома тузилишида кальцинатлар орқасида акустик соялар, ички тузилиши бир турда эмаслиги, қирраларининг нотекислиги катта ёшдаги аёлларда СБС ни имитация қилган. Гипоэхоген фиброаденома УТ-манзараси ҳам хавфли ўсмани симуляция қилган (кўпинча медулляр СБС).

Ёлгон манфий натижалар фиброз ва безсимон бўлакчалар орасида жойлашган ҳамда 1,0 см катта бўлмаган ўлчамдаги ҳосилалар билан боғлиқ бўлган. Ёлгон манфий эхография маълумотлари СБС медулляр шаклида қайд қилинган, у эхограммаларда силлиқ ва аниқ контурли ҳосилалар билан намоён бўлган. Медулляр шаклдаги ўсма ортида ультратовуш тўлқинлари акси интенсивлиги ошиши эпителиал компонент устунлиги билан боғлиқ бўлган. Массив бириктирувчи тўқима компоненти мавжудлиги ультратовуш тўлқинлари сусайишини юзага келтирган ҳамда инволюция даврида УТТ самарадорлиги камайиши қайд қилинган.

Шундай қилиб, СБС ташхисотида УТТ сезувчанлиги 90,0%, махсуслиги – 85,9%, ташхисот аниқлиги -88,0% ни ташкил қилган.

Диссертациянинг «Сут безлари хавфсиз ва хавфли ўсмалари МР – маммографик белгилари» деб номланган тўртинчи бобида хавфсиз

хосилалар билан аёлларда сут безлари конвенционал (анатомик) МРТ ва динамик контраст кучайтириш билан МР-маммография маълумотлари ҳамда хавфли ўсимталар бўлган аёлларда динамик контраст кучайтириш билан МР-маммография натижалари тўлиқ ёритилган.

**2-жадвал**

**Сут беzi ўсмаси билан касалланган беморларда анатомик МР-белгилар даражаси**

МР – белгилар	Хавфсиз ўсимталар n=30		Хавфли ўсимталар n=70		P
	абс	%	абс	%	
<b>Ўсиш тури</b>					
Инфилтратив ўсиш характери	7	23,3	58	82,9	P<0,001
Экспансив ўсиш характери	23	76,7	12	17,1	P<0,001
<b>Соя шакли</b>					
Думалоқ ёки овал	18	60,0	4	5,7	P<0,001
Бўлакчали	9	30,0	9	12,9	0,0675
Нотўғри	3	10,0	57	81,4	P<0,001
<b>Соя кирралари</b>					
Аниқ ва текис	21	70,0	5	7,1	P<0,001
Эгри-бугри	4	13,0	8	11,4	P>0,05
Нотекис ва ноаниқ	5	16,7	44	62,9	P<0,001
Спикуласимон	0	0	13	18,6	P<0,001
<b>МР – структура</b>					
Бир хил	24	80,0	12	17,1	P<0,001
Хар хил	6	20,0	58	82,9	P<0,001
<b>T1 режимда МР - сигнал</b>					
Изоинтенсив	20	66,7	43	61,4	P>0,05
Гипоинтенсив	7	23,3	17	24,2	P>0,05
Гиперинтенсив	3	10,0	10	14,3	P>0,05
<b>T2 режимда МР- сигнал</b>					
Изоинтенсив	16	53,3	42	60,0	P>0,05
Гипоинтенсив	6	20,0	19	27,1	P>0,05
Гиперинтенсив	8	26,7	9	12,9	P>0,05
<b>Қўшимча МР - белгилар</b>					
Сўрғич тортилиши	0	0	2	2,9	P>0,05
Ўсма устида тери ости ёғ тўқимаси деформацияси	0	0	2	2,9	P>0,05

Бир неча марта таъкидланганидек, сут беzi хавфсиз ўсмалар билан 30 нафар аёллар гуруҳида текширув натижалари бўйича 22 ҳолатда сут беzi фиброаденомаси ташхисланган, 5- локал фиброз, 2- фибролипома ва бир ҳолатда филлоид ўсма. Ушбу барча беморларда сут безлари анатомик ва

функционал МР-маммография динамик контраст кучайтириш текшируви билан амалга оширилган.

Натив МР-маммография маълумотлари тасвирида сут безлари анатомик хусусиятлари ва улардаги ўзгаришлар баҳоланган. Сут безлари ўсмаларида МР-маммограммаларда аниқланган ўзгаришлар даражаси 2-жадвалда тасвирланган.

Бирламчи эътибор сут безида аниқланадиган ҳосиланинг тавсифини тасвирланишига қаратилган, айниқса, унинг шакли, ўсиш тури (экспансив ёки инфилтратив), қирраларининг аниқланиши ва конфигурацияси, МР ички тузилиши ва ҳк. Сўрғич тортилиш ҳолатлари ва сут беги архитектуроникасига ҳам эътибор қаратилди.

### 3-жадвал

#### Сут беги ўсмаси билан касалланган беморларда анатомик функционал МР- белгилар даражаси

МР – белгилари	Хавфсиз ўсимталар n=30		Хавфли ўсимталар n=70		P
	абс	%	абс	%	
<b>МР сигнал интенсивлик даражаси</b>					
Тўпланмайди	5	16,7	0	0,0	P<0,05
Паст	15	50,0	0	0,0	P<0,001
Ўрта	8	26,7	19	27,1	P>0,05
Юқори	2	6,7	51	72,9	P<0,001
<b>Контрастлаш тури</b>					
Марказга интилувчи	26	86,7	19	27,1	P<0,001
Халқасимон	4	13,3	51	72,9	P<0,001
<b>Контрастлаш тури</b>					
Гомоген	21	70,0	45	64,3	P>0,05
Гетероген	9	30,0	25	35,7	P<0,001
<b>Ҳосилаларда “сигнал интенсивлиги – вақт» график боғлиқлиги</b>					
I тур “персистент”	21	70,0	0	0,0	P>0,05
II тур “плато”	9	30,0	9	12,9	P>0,05
III тур “ювилиш”	0	0,0	61	87,1	P<0,001
<b>Қон томир тўри ўзгаришлари</b>					
Қон томир тўри асимметрияси	2	6,7	60	85,7	P<0,05
Ўсмада хусусий озиклантирувчи артерия мавжудлиги	5	16,7	61	87,1	P<0,001


Жадвалдан кўринишича, СБС энг хос МР белгилари нотекис ва ноаниқ қиррали, нотўғри шаклдаги ўсимталар (62,9%), эгри-бугри (11,4%) ёки спикуласимон (18,6%) қирралар мавжудлиги бўлган.

Ўсимталар атроф тўқималарига нисбатан ўсиш тури икки хил: инфилтратив ва экспансив фарқланган. Инфилтратив СБС га ноаниқлик-


МР-тасвирларда ўсма қирраларининг аниқланмаслиги ёки ёмон аниқланиши хос бўлган, у канал ўсмасига нисбатан 82,9% кўпроқ кузатилган. Ўсимтанинг экспансив ўсиши кўпинча медулляр СБС да кузатилган. Сут беши саратони бўлган беморларда прекоонтраст Т1 режим МР сигнал кўпинча изо- ёки гипоинтенсив (мос равишда 61,4% ва 24,2%) бўлган. Худди шундай қонуният Т2 режимда (мос равишда 60,0% ва 27,1%) да ҳам кузатилган. Прекоонтраст Т1 ва Т2 режимда гиперинтенсив сигнал мос равишда 14,3% ва 12,9% да кузатилган.

Посткоонтраст Т1 режимли тасвирларда аксинча, доимо ҳосил бўлган сигнал кучайиши устунлик қилган, у интенсив бўлган, 27,1% да эса ўрта. Кўп ҳолатларда (64,3%) ўсма гомоген кучайган, камроқ (35,7%) – гетероген. СБС га халқасимон ёки центропетал кучайиш хос бўлган. Сут безлари хавфсиз ўсмалари билан беморларда посткоонтраст МРТ сигнал кучайиши кўпинча кузатилмаган ёки у ўрта ва гомоген бўлган.


Сут безлари хавфсиз ўсмалари бўлган аёлларда асосан ҳосил бўлиш сигнали интенсивлиги доимий ошиши яъни I тури кузатилган. МРТ ДКК билан маълумотлари бўйича «сигнал интенсивлиги - вақт» графиги тузишда СБС беморларида 61 (87,1%) беморда МР сигнал аниқ намоён бўлган ва тез тушадиган амплитудали III тур эгрилик, камроқ II тур – 9 (12,9%) аёлда максимумга етгандан сўнг “плато” тури олинган (1-расм).




А



Б



В



Г



1- расм. А- хавфли сут безлари ўсимталарини контрастлаш белгиси. Марказга интилувчи контрастланишда (гомоген) ўсимтанинг марказида контраст модданинг тўпланиши; Б - ҳосилаларда “сигнал интенсивлиги – вақт” график боғлиқлиги III тури олинган - ювилиш МР – сигналининг сезиларли юқори ва тез пасайиши билан. В- хавфли сут безлари ўсимталарини контрастлаш белгиси. Халқасимон контрастлашда ўсимтанинг чеккалари бўйлаб контрастлашниши; Г- ҳосилаларда “сигнал интенсивлиги – вақт” график боғлиқлиги II тури олинган – юқори даражага етгандан сўнг «плато».

Сут беши саратонида МР –реконструкцияларда қон томир тўри ассиметрияси 60 нафар беморда (85,7%) кузатилган. Шундай қилиб, магнит-резонанс маммография сут беши ва унинг патологик ўзгаришлари тўғрисида катта ҳажмда ахборот олишга имкон беради. Ушбу визуализация усули сут безлари ҳосилаларини осон аниқлайди ва уларнинг структур, функционал хусусиятларини ифодаловчи кўпгина параметрлар асосида сут беши саратони ва хавфсиз ўсмани ноинвазив қиёсий ташхислашга имкон беради. СБС га шубҳа қилинганда МРТ текшируви ҳам контраст олди МР-маммография, ҳам динамик контраст кучайтириш билан сут безлари МР-текширувини ўз ичига олиши керак. Мультипараметрик МРТ бизга СБС ни ва хавфсиз ўсмаларни 94,3% сезувчанлик, 92,3% махсуслик ва 93,0% диагностик аниқлик билан ташхислашга имконият яратди.

100 кузатувдан иборат бизнинг тадқиқотимизда МР-маммографик ва гистологик маълумотлар 7 беморда кузатилган: улардан 3 беморда МРТ маълумотлари ёлғон мусбат ва 4 – ёлғон манфий бўлган.

Ёлғон манфий натижалар СБС билан 4 аёлда қайд қилинган ва ДКК билан МР-текширувда II тип эгрилик (плато) олинмиши билан боғлиқ бўлган, бу ўсма табиати қиёсий ташхисотида қийинчиликлар туғдирган. Ушбу ҳолатларда верификацияда сут безлари инвазив-канал ва муциноз карциномалари ўрнатилган. 3 ҳолатларда аҳамиятли ёлғон мусбат натижалар постконтраст МР тасвирларда қайд қилинган ўсма гиперваскуляризацияси сифатида баҳоланган кучайиш билан боғлиқ бўлган, унинг оқибатида СБС тахмин қилинган. Бу ҳолатлардан иккисида гистологик текширув сут безлари фиброаденомасини ва бир ҳолатда баргсимон (варақсимон) ўсмани кўрсатди.

Баён қилинганлардан келиб чиқиб, сут беши МР тасвирларида визуализация қилинадиган СБС га хос ҳосилалар қуйидаги хусусиятларини оқилона деб ҳисоблаш мумкин: инфилтратив ўсиш тури; қирралар нотекислиги ва ноаниқлиги; ички МР-тузилиш хар хиллиги; асосан контраст олди T1 ва T2 режимларда изо- ва гипоинтенсив МР- сигнал бўлиши; контраст модда интенсив тўпланиши; халқасимон ва гетероген контрастлашниши; МР сигналининг юқори даражаси; МР ДКК билан текширувда III тур эгрилик; қон томир тўрининг ассиметрияси ва озиклантирувчи қон- томир мавжудлиги.

Диссертациянинг бешинчи «Сут беши саратони МР-белгилари, хужайра дифференциацияси ва саратон молекуляр-биологик таснифи орасидаги корреляцияни ўрганиш» бобида МР-белгилар ва сут беши саратони хужайра дифференциация даражаси орасидаги, ҳамда саратон биологик таснифи ўртасидаги корреляцияни ўрганиш бўйича маълумотлар ва

Ўсмалар билан аёлларни текшириш алгоритмларини қўлайлаштириш бўйича таклифлар келтирилган. Текширув натижалари прогностик қийматига боғлиқ тавсия қилинган беморларни диагностика тактикаси тавсифланган.


СБС да хужайра дифференциация даражаси ва МР маммографик белгилар билан учраш частотаси биз томонимиздан ўрганилди (3-жадвал).

**3-жадвал**


**МР-маммографик белгиларнинг СБС хужайра дифференциацияси турли даражаларида учраш частотаси**

МР - белгилар	Ўсма хужайралари дифференциацияси даражаси					
	G <sub>1</sub> (n=9)	%	G <sub>2</sub> (n=39)	%	G <sub>3</sub> (n=22)	%
<b>Соя шакли</b>						
Думалоқ/овал	4	44,4	0	0	0	0
Бўлакчали	3	33,3	6	15,4	0	0
Нотўғри	2	22,2	33	84,6***	22	100,0***
<b>Соя қирралари</b>						
Текис	3	33,3	2	5,12*	0	0
Эгри-бугри	2	22,2	6	15,4	0	0
Нотекис ва ноаниқ	2	22,2	24	61,5*	14	63,6*
Спикуласимон	2	22,2	7	17,9	8	36,3
<b>Контрастлаш тури</b>						
Халқасимон	7	77,8	31	79,5	10	45,5*
Марказга интилувчи	2	22,2	8	20,5	12	54,5*
<b>МРТ да динамик контраст кучайтириш билан «сигнал интенсифлиги-вақт» график тури</b>						
I тур “персистент”	0	0	0	0	0	0
II тур “плато”	6	66,7	3	7,7***	0	0
III тур “ювилиш”	3	33,3	36	92,3***	22	100,0***

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўсманнинг тўғри шакли ва текис қиррали СБС дифференциациялашмаган (G<sub>3</sub>) ҳеч бир ҳолатида кузатилмаган ва ўрта дифференциацияли саратон (G<sub>2</sub>) билан 22,2% беморда аниқланган холос. Аммо бизнинг тадқиқотларимизда 77,7% юқори дифференциацияланган сут беши саратони G<sub>1</sub> билан беморларда МР тасвирлари хавфсиз ўсмалар учун хос думалоқ-овал ёки бўлакчали ҳосиллага хос бўлган. Лекин бу беморларда ҳеч бир ҳолатда «ошиб бориш» МРТ ДКК билан I тур эгрилик графиги қайд қилинмаган, 66,7% II тур («плато») ва МРТ да ДДК билан 33,3% III тип («ювилиш») юзага келган, бу сут беши саратонини тасдиқлаган. Демак, ҳосиланинг тўғри шакли анатомик МРТ маълумотлари бўйича МРТ ДКК билан маълумотларига кўра II ёки III тур билан биргаликда келиши СБС юқори хужайра дифференциацияли G<sub>1</sub> типдан далолат берган (2-расм).




А




Б

2-расм. МР – маммография. Бемор З., 59 ёш. А - контрастлашдан кейинги тасвирларда қирралари текис, думалоқ шакл 28x29 мм ли ўсимта аниқланди, халқасимон контрастлаш мавжуд; Б - «сигнал интенсивлиги - вақт» график тузишда бўйича II тур – максимумга етгандан кейин «плато» тури аниқланган. Гистологик верификацияда СБС нинг G<sub>1</sub> тури аниқланган.

